Ушбу сонда:
2 ТАШАББУС СЎНМАСИН, ТАШАББУС ЎЛМАСИН
3 ҚОНУН - БАРЧА УЧУН БАРОБАР
4 ЭЛ АРДОҒИ Ҳалима Носирова хонадонида

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

ISHONCH

2000 йил 29 март, чоршанба №45 (877)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЮРТГА ЯРАШГАН ҲАШАР

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Тошкентнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув канали кирғоғида мустамлакачилик даври курбонлари хотирасига бағишлаб барпо этилаётган «Шаҳидлар хиёбони»да катта ҳашар ўтказилди. Катағон қурбони бўлган ҳамюртларимиз хотирасига Қуръон тиловат қилинди, ёдгорлик мажмуи узра кун бўйи мумтоз миллий мусиқалар янграб турди. Ҳашарда Юнусобод туманидаги барча маҳалла фаоллари, корхона ва ташкилот хизматчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, халқ таълими муассасалари ходимлари иштирок этди. Ҳашарчилар кўчат экиш, чим ўтказиш, йўлларни текислаш каби ободонлаштириш юмушларида қурувчиларга кўмак беришди.

Биз ҳашарчиларнинг айримларини суҳбатга чорладик.

Шукриддин ПАХРУДДИНОВ, Юнусобод тумани ҳокими:

- Ёдгорлик мажмуида «Паркентсувқурилиш», «Метроқурилиш», «Кўприкқурилиш», «Махсусмонтажқурилиш» трестлари ишчилари хизмат қилмоқда. Туманимиз аҳли шундай қутлуғ юмушни бажараётганларга ёрдам бериш ташаббуси билан чиқди. Бу кўпчиликнинг дилидаги ният бўлганини ҳашарчиларнинг кўп эканидан ҳам билса бўлади.

Маҳмуд АБДУРАҲИМОВ, уруш фахрийси:

- Бу ерларни илгари Алвастикўприк дейишарди. Ўттизинчи йилларда канал бўйига тунлари аравада маҳбуслар келтирилиб, отиб ташланар, сўнг устидан тупроқ тортиб юборилар. Кейин ҳам бу жойлар хилват, одам юришга юраги бетламайдиган жой бўлиб қолаверди. Президентимизнинг савобли саъй-ҳаракатлари билан эндиликда бу ерлар обод зиёратгоҳга айланаётганидан беҳад мамнунмиз.

Халқимизнинг табаррук қадамжоларидан бирига айланиб қоладиган мазкур ёдгорлик мажмуи 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни очилиши кўзда тутилмоқда.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Миллий дастур шарофати

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар фаолиятига бир назар

Қайси юрт фарзандлари соғлом, баркамол бўлса, ўша юрт қудрати беқиёс, номи оламаро машҳур бўлади. Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг биринчи йилиданоқ мамлакатимиз тараққиётининг калитини ёшлар истиқболида деб билди ва бу борада катта ғамхўрликлар қилинди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш ниятида «Умид», «Камолот», «Улуғбек» жамғармалари ташкил этилди. «Соғлом авлод йили» муносабати билан бу борадаги эзгу ишларга янада кенгроқ йўл очилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан мамлакатимизда кўплаб касб-ҳунар коллежлари, академик-лицейлар қурилмоқда. Биз ана шу муҳим йўналишда амалга оширилаётган ишлар, Миллий дастур талаблари қандай бажарилаётгани билан танишиш мақсадида соҳа мутахассислари билан суҳбатлашдик.

— Истиқлолнинг тўққиз йиллик муборак айёмигача республикамиз ҳудудида 157 та касб-ҳунар коллежи ва 23 та академик-лицейлар ишга туширилади, - дейди республика Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Хайриддин Маъсудов. - Касб-ҳунар лицейларининг 53 таси янгидан қурилмоқда. 104 таси реконструкция қилинмоқда. Академик лицейлардан 5 таси янгитдан қурилиб, 18 таси реконструкция қилинади. Айни дамда бу ўқув юртларини замонавий жиҳоз ва техник дастгоҳлар билан таъминлаш устида амалий ишлар олиб борилмоқда. Дунёдаги тараққий этган давлатлар — Германия, Япония, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган турли ўқув дастгоҳлари, ўқув лаборатория учун асбоб-ускуналар учун имтиёзлар берилади. Шуниси қувончлики, ўзимизда ҳам жаҳон андозаларидан қолишмайдиган жиҳоз ва дастгоҳлар, лингофонлар ишлаб чиқарилмоқда.

Тошкент шаҳрида жойлашган лингофонлар ишлаб чиқарадиган МЧЖ MG «Elektro» корхонасининг директори Махсит Холмуратов билан суҳбатлашганимизда у қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Мақсадимиз жаҳон андозаларидан қолишмайдиган лингофон дастгоҳларини ишлаб чиқариш, ўрнатиш ва созлаш, ишга туширишдан иборатдир. Яхши ният билан 1998 йилда иш бошлаган эдик. 1999 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга 72 та лингофон ускуналарини ўрнатдик. Биз лингофонларни ўз лойиҳамиз асосида ишлаб чиқармоқдамиз. У хорижникига қараганда икки баробар арзон, сифати кафолатланган. Албатта биз ўз лингофонларимизни мукаммаллаштириб борамиз. Бу эса келажакда коллежларимизга чет элдан валютага лингофон дастгоҳларини сотиб олишга ҳожат қолдирмайди. Бундан ташқари, биз сервиз хизмати ҳам кўрсатамиз ва янги иш ўринларини кўпайтириб, аҳолини иш билан таъминлашга ўз улушимизни қўшамиз.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон тиллари университети қошидаги хорижий тилларни чуқур ўрганишга мўлжалланган академик лицей 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, фақат 1999 йили 200 та ўқувчи қабул қилинган. Улар ўқиш жараёнида инглиз, француз, немис тилларини чуқур, мукаммал ўзлаштирадилар. Толиби илмларнинг 8 таси француз, 16 таси немис ва қолган 176 таси инглиз тилини ўрганадилар. Келажакда япон ва испан тилларини ўрганиш ҳам режалаштирилмоқда.

— Бизнинг хорижий тилларни чуқур ўрганишга мўлжалланган лицей республикамизда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, - дейди лицей директори, педагогика фанлари номзоди Жуманазар Ҳасанов. - Чунки лицейни битирганларнинг асосий кўпчилиги шу хорижий тиллар университетига кириб, ўқишни давом эттирадилар. Ўқиш ҳамда тилларни ўрганиш учун барча шарт ва шароитлар етарли. Жорий йилнинг биринчи чораги охирида 375 та ўқувчига мўлжалланган янги замонавий бинога кўчиб ўтамиз. Янги ўқув маскани ўқувчиларни чуқур, изчил, мукаммал билим олишлари учун барча керакли ўқув дастгоҳлари, лингофонлар, замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозларга эга. Жумладан, мультимедия (компьютер, видеопроектор ва тасвир экрани) орқали мавзуни катта экранда жонлантириб, ўқувчиларга уни тез ва мукаммал ўзлаштиришга ёрдам берилади. Лингофонларда энг асосийси тилни тўғри талаффуз қилиш, тез ўрганиш ҳамда айрим сабабларга кўра ўқишга келмаган ўқувчига магнит тасмаси орқали ўтган мавзуни, дарсни ўзлаштириш имкони туғдирилади. Инглиз тили бўйича энг юқори малакали ўқитувчимиз Дилором Ғиёсова билим ва маҳоратларини талабаларга сидқидилдан ўргатмоқдалар. Чунки Дилором опадек инглиз тилини мукаммал биладиган одам Буюк Британияда ҳам кам бўлса керак. Чунки, Дилором опанинг инглиз тилида жуда ҳам моҳирлик, ҳеч тутилмасдан талаффуз қилиши инглизларнинг ўзини ҳам кўп маротаба лол қолдирган.

Бу лицейда бир ечилмаган муаммо турибди. Лицейни битирганларга етуклик аттестати берилади. Агар лицейни битирган ўқувчи олийгоҳларга киролмаса, ўз соҳаси бўйича ишсиз бўлиб қолади, чунки уни ҳеч ким аттестат-ҳужжати билан ишга олмайди. Шунинг учун уларга аттестат эмас, балки кичик мутахассис деган диплом берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу муаммони ижобий ҳал қилиш керак. Бизнинг республикамиздаги бу миллий дастур бирорта МДҲ давлатларида йўқ, чунки бундай улкан дастурни амалга оширишга кўплаб маблағ керак. Бундай маблағ ҳамма давлатларда ҳам бор эмас.

Президентимиз Ислом Каримов юртимизда келажакда билимдон, ўз соҳа мутахассислиги бўйича барча ишларга қодир, замонавий товарлар ишлаб чиқаришга асос бўладиган бу янги билим масканларига алоҳида аҳамият бериб, назорат қилиб турибдилар. Шу боисдан ҳам ҳар бир касб-ҳунар коллежи, академик лицей зарур бўлган барча асбоб-ускуна, дастгоҳлар билан тўла таъминланиши шарт. Чунки ўқиётган ўқувчилар ўз соҳалари бўйича пухта билим олишлари даркор. Бу эса талабанинг ўз касбини юқори малакали даражага етказишга имкон беради. Бинобарин, улар келажакда ўз соҳаси бўйича хусусий иш юритиши ва айримлари ўз корхоналарини кенгайтириб, хорижга товарлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўладилар деган умиддамиз.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД.

Юз билан юзлашганлар

ЖАННАТ ОНАЛАР ПОЙИДА

Касби туманидаги «Қашқадарё» ширкат хўжалигининг Пандирон қишлоғида яшовчи онахон Лаъли момо Эгамбердиева яқинда 100 ёшни қаршилади. Фарзанд ва набиралари, қариндош-уруғлари, маҳалла аҳли пиру бадавлат онахонни муборакбод этиш учун табаррук хонадонга ташриф буюрдилар. Камтарона безатилган дастурхон атрофида гурунг авж олди. Онахон ўзининг сермазмун умри, ёшлик хотиралари ҳақида сўзлаб берди. Бундай хотиралар ёшлар қалбида Ватанни севиш, унинг равнақи йўлида фидоий инсонлар бўлиб етишиш ҳиссини уйғотди.

Лаъли момо Эгамбердиева Пандирон қишлоғининг фахри. Қишлоқдошларининг тўй-хашамлари у кишисиз ўтмайди. Онахоннинг икки нафар фарзанди бор. Улар ҳам айни дамда пиру бадавлат, ували-жували. Ўғли Ибод Раҳматов нафақада. 65 ёшни қаршилаган отахон 20 йил хўжаликдаги қурилиш бригадасида меҳнат қилди. 5 йил деҳқончилик билан шуғулланди. Қизи Химчагул Маматова ҳам нафақада. Онахон ўзининг ҳаётидан, шу ёруғ кунларнинг гувоҳи бўлаётганлигидан ва Юртбошимиз Ислом Каримовнинг олиб бораётган тинчлик сиёсатидан мамнун.

— Тақдиримдан айланай, — дейди Лаъли момо, - Бу кунга кимлар етдию, кимлар армонда кетди. Ризқ-насибам бор экан мана, 100 ёшни қаршиладим. Оллоҳга минг бор шукроналар айтаман. Юртбошимиз ёшлар бахтига омон бўлсинлар. Мендек узоқ умр кўрсинлар.

Оллоҳ ризқимни, насибамни бутун яратган экан, фарзандларим, келинларим, набира-ю чевараларимга ҳам севиклиман, улар ҳамиша атрофимда парвона. Бу эса менга кучқувват бахш этмоқда. Давлатимиздан ўргилай, ойма-ой нафақамни бериб турибди.

Ҳозирги баъзи ёшлар етишмовчиликлардан нолиб гапиришади. Шунда мен уруш йилларидаги қийинчиликлар ҳақида сўзлаб бераман. Улар эса гоҳида ишониб, гоҳида ишонмай менга термулишади. Бугунги осойишта, фаровон ҳаётни мен бир асрлик умримда эндигина гувоҳи бўлиб турибман. Насиб бўлса, Ўзбекистонимиз бундан кейин янада ривожланиб, баобрў давлатга айланади.

Лаъли момонинг 24 набираси, 31 нафар чевараси, 6 нафар эвараси бор. Улар доимо табаррук онахоннинг ҳолидан хабар олиб, унинг панд-насиҳатларига амал қилишмоқда.

Онахон ҳузурида бўлганимда келини Мухаррам Ҳикматова шундай деб қолди:

- Бизни йўқлаб келибсиз, раҳмат. Аммо хўжалик раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари на ногиронлар кунида, на мурувват ўн кунлигида ҳолимиздан хабар олишади. Оиламизда 9 нафар киши истиқомат қилади. Шуларнинг 4 нафари нафақахўр. Бир қизим Муҳайё Маматова (34 ёш) ногирон, юролмайди ҳам, гапиролмайди ҳам.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000-2005 йилларда ёлғиз-кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган» дастурида ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг уй-жой, яшаш тарзини яхшилаш назарда тутилган. Негадир ушбу дастурдан хўжалик, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари бехабар кўринади.

Табаррук онахон билан учрашувдан кўнглим қувончга тўлган бўлса, мутасадди ташкилотларнинг оиладаги кекса онахон ва ногирон қизга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатишмаётганлигидан афсусландим.

Аҳмад МИРАКОВ.

Тошкент вилояти фаоллари йиғилиши бўлди. Унда Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Вилоят ҳокими У.Мирзақулов бошқарган йиғилишда сўзга чиққанлар жамият ҳаётини эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида Сурхондарёда йўл қўйилаётган камчиликлар пойтахт вилоятида ҳам мавжудлигини, хусусан, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, деҳқонда ерга, мулкка эгалик ҳиссини кучайтириш талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ортгани билан

ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ўзаро ҳисоб-китобларни вақтида амалга ошириш бўйича ҳам етарли иш олиб борилаётгани йўқ.

Йиғилишда таъкидланганидек, ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳам талай нуқсонлар бор. Хусусан, Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл туманларида мактаб ва боғчалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига масъул ташкилотлар томонидан эътибор сусайтириб юборилган. Натижада, Бўка туманида сўнгги уч йил мобайнида биронта ҳам таълим муассасаси қурилмади. Вилоятда бугунги кунда 83 та мактаб қурилиши турли сабаблар билан тўхтаб қолган. Табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланмаган болалар муассасалари ҳам мавжуд. Шунингдек, йиғилишда аҳолини иш билан таъминлаш, савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш юзасидан долзарб вазифалар белгилаб олинди.

ДИАБЕТОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси эндокринология институтида диабетологиянинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси тиббиёт бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бош эндокринолог ва педиаторлари қатнашди.

Анжуманда, қандли диабетнинг олдини олиш ва даволаш, замонавий дори-дармонлар, тиббий ускуналардан қўлланиш, рўйхатда турган беморларни доимий назоратда сақлаш юзасидан фикр алмашилиб, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қарши шаҳрида «Ташаббус-2000» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Кўрикда Қамаши туманидаги «Баҳраманд» хусусий фирмаси раҳбари Олим Чўлиев «Энг яхши тадбиркор», Деҳқонобод туманидаги «Халқ Ҳожи» фермер хўжалиги бошлиғи Сайфулла Бекназаров

ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР

«Энг яхши фермер», қаршилик Зайнаб Гулбоева «Энг яхши ҳунарманд» деб эътироф этилди. Ғолиблар «Ташаббус-2000»нинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Муаммо ва ечим

ДЕБИТОР ҚАРЗ — ТАРАҚҚИЁТГА ТЎҒАНОҚ

Мамлакатимизда ўтказилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг негизида ижтимоий муҳофазага муҳтож бирорта фуқаро эътибордан четда қолиши мумкин эмаслиги, ҳар бир оила жамият неъматларидан тўла баҳраманд бўлиши учун бор имкониятларни яратиб бериш ётади. Шу боис Автомобил транспорти ва йўл хўжаликлари касаба уюшмалари Фарғона вилояти кўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишни фаолиятининг бош йўналиши деб билмоқда. Жумладан, уларнинг маошлари узлуксиз бериб борилиши, маданий-маиший дам олишлари каби масалалар кўмитанинг доимий диққат-эътиборида бўлиб, бу борада аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тармоққа қарашли кўплаб автокорхоналарда дам олиш хоналари, душхона, сауна, ошхона, буфет, чойхона, ишлаб турибди. Бу корхоналарда ойлик маошларни ўз вақтида бериш, кўп болали, кам таъминланган оилалар, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларига моддий ёрдам беришга алоҳида аҳамият берилянти.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш Низоми автокорхоналар ва йўл хўжаликлари ташкилотларида ишлаб чиқилиб, ташкилот раҳбарлари ва касаба уюшма қўмиталари томонидан тасдиқланди.

Автомобил йўллари бошқармаси фаолияти билан танишиб чиққанимизда бир қанча хайрли ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Масалан, ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи 16302 сўмданга тўғри келган. «Фарғонатранс» ҳамда «Фарғонаавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмаларида ўтган йили ишчи, ходимларга 10440,4 сўм моддий ёрдам кўрсатилган. Ана шу маблағлар хўжалик ҳисоби ва касаба уюшма қўмиталари томонидан берилди. Бундан ташқари Бувайда, Бағдод, Риштон, Учкўприк, Бешариқ туман автомобил йўллари бошқармаларида ҳам «Наврўз», Ҳайит, Мустақиллик, касб байрамларида ишчи-ходимларга моддий ёрдам бериб борилаяпти. Уларни ижтимоий ҳимоялашда Фарғона, Бағдод, Риштон туманлари автомобил йўллари бошқармалари, Тошлоқ автобус такси саройи, 3, 75, 73-автокорхоналарда ташкил этилган ёрдамчи хўжаликларнинг амалга оширган ишлари ҳам диққатга сазовордир. Бу ерларда етиштирилган гўшт, сут, мева ва сабзавот маҳсулотлари арзон нархларда ишчи-хизматчиларга тарқатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ойлик маошдан қарздорликни бартараф қилиш тўғрисидаги қароридан сўнг «Фарғонатранс» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси тизимида бу муаммони бартараф этиш мақсадида имконият даражасида иш олиб борилди.

Шунга қарамасдан, ҳозирги кунда вилоятдаги аксарият автокорхоналарда молиявий аҳвол оғир бўлиб қолмоқда. Ёқилғи -мойлаш, эҳтиёт қисмлар, янги автомашиналар сотиб олиш учун маблағ етишмайди. Корхоналарнинг бундай аҳволга тушиб қолишига асосий сабаблардан бири кўрсатилган транспорт хизматига пул тўланмаётганлигидир. Бу пулларни ундириб берадиган бирор мард ҳозиргача топилмаяпти. Масалан, қишлоқ хўжалиги бўйича ўтган йилги қарздорлик Жиззах вилояти бўйича 54 миллион 500 минг, Сирдарё вилояти бўйича 46 миллион, Фарғона вилояти бўйича 65 миллион 900 минг сўмни ташкил қилди. Агарда бу дебиторлик қарзлар ундириб олинмаса, автокорхоналардаги молиявий аҳвол янада оғирлашиши турган гап.

Тармоқ касаба уюшмаси вилоят қўмитаси «Фарғонатранс» бирлашмаси ва «Фарғонаавтойўл» давлат Акционерлик бирлашмалари бошқаруви раёсати билан биргаликда Соғлом авлод йили дастурини амалга ошириш бўйича қўшма тадбирлар ишлаб чиқдилар ва шу асосда иш олиб бормоқдалар.

Тармоққа қарашли касаба уюшма қўмиталари маъмурият билан биргаликда ишчилар ва уларнинг болаларини дам олдириш, соғломлаштириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ўтган йили ходимлардан 306 нафари республика ҳудудидаги саломатлик масканларида соғлиқларини тиклаб қайтдилар. 15 нафари эса дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаришди. Қувасой шаҳридаги «Ниҳол» оромгоҳида 800 нафар болалар бепул соғломлаштирилди. Хайит кунларида тармоқ тизимидаги автокорхоналар ва йўл хўжалиги ташкилотларида меҳнат қилиб нафақага чиққан, ёлғиз қариялардан 30 нафарига 70000 сўм, 2 та меҳрибонлик уйларига 90000 сўм, боқувчисини йўқотган 10 нафар оилага 25000 сўм моддий ёрдам пули берилди. Бундан ташқари байрамда ходимларга 36000 сўмлик совғалар тарқатилди. 112 нафар нафақахўр, 592 нафар кам таъминланган оилаларга, 1129 нафар ёрдамга муҳтож ишчи-ходимларга моддий кўмак пули берилди.

Автокорхоналар ва йўл хўжалиги ташкилотларида физкультура ва спорт мусобақалари ўтказишга ҳам жиддий эътибор бериляпти. Шаҳар ва туманларда ўтказилган спартакиадаларда тармоқ корхона ва ташкилотлардан қатнашган командалар фахрли ўринларни эгаллашди. Улар бултур октябр ойида ўтказилган тармоқ касаба уюшма спартакиадасида ҳам юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар.

Бир сўз билан айтганда корхоналардаги касаба уюшмалари ишчиларнинг ишончини қозоняпти. Бирон бир тадбир йўқ-ки, унга касаба уюшма қўмиталари бош-қош бўлмаса.

— Ишлашни истаган имкон қидиради, истамаган баҳона, - дейди биз билан суҳбатда Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Қобилжон Казаков. - Фаолиятимизда қандай ижобий натижаларга эришган бўлсак, бунинг ҳаммаси келишиб, аҳиллиқда ишлашимиз натижасидир.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

«ҒАЙРАТ»НИНГ СУЮНЧИ ПУЛЛАРИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ишбилармон ва тадбиркорлар халқ учун том маънода астойдил хизмат қилишга, эл-юрт тўкин-сочинлигини яратишга кенг йўл очилди. Кўплар қатори Тўрткўл туманидаги «Жанубийқорақалпоқсувқурилиши» трестининг кўчма механизациялаштирилган жамланмаларидан бирида муҳандислик қилаётган Фарид Муродов ҳам кичик корхона ташкил қилиб, аҳоли хизматига камарбаста бўлишга киришди.

Бу тиришқоқ ва тадбиркор муҳандис «Ғайрат» деб номланган кичик корхона очиб, ерларни капитал текислаш ва мелиорация - ирригация ишлари билан изчил шуғуллана бошлади. Банкдан имтиёзли кредит олиб, зарур техникалар харид қилди. Ўз атрофига узоқни кўзлаган, тутган жойини кесадиган бир сўзли йигитларни тўплади, аҳил жамоа ташкил қилди. Кўп ўтмасдан 5 та бульдозер, 6 та экскаватор, 3 та қудратли К-700 техникаларига эга бўлган «Ғайрат»чилар ишни кенг кўламда бошлаб юборишди. Уларнинг ўша йиллари 6 та автоулов харид қилгани зап иш берди, аниқроғи бу техникалар узоқни яқин қилишда ўз вақтида уддаланиши виждон амрига айланган. Шу боис энг кам ойлик иш ҳақи 30 минг сўмдан кам бўлмаяпти. «Ғайрат»чиларнинг ўтган йили 60 миллион сўм ҳажнуз беминнат хизмат кўрсатаётир.

Сафида 35 кишини жамлаган жамоанинг энг савобли ва залворли юмушлари ўтган йили «Учқудуқ-Мискин-Тўрткўл-Қоратоғ» йўналишидаги темир йўлнинг «Намуна» қисмидаги 8 километрли босқичида тупроқ кўтариш ишларини юксак даражада адо қилгани бўлди.

Энг муҳими, бу жамоада ҳар бир ишловчининг ўрни белгили. Интизом эса мустаҳкам. Ҳар бир аъзо ўзига топширилган юмушни бекаму кўст бажаришга одатланган. Бир сўз билан айтганда, уларда ишнинг сифати, топшириқнинг Кунига уч маҳал мазали иссиқ овқат тайёрлаб берилиши бошқа жамоаларда ҳавас уйғотиши табиийдир.

Тадбиркор Фарид Муродов «Аёллар йили»да нафақат Қорамдаги ишни бажаргани бунга асосий мезондир. Юқори кўрсаткичларга эришишда экскаваторчи Петро Зобов, бригада бошлиғи Омон Байрамгелдиев, скрейперчи Рейимбек Обаев, бульдозерчи Илҳом Шеховлар ишнинг кўзини билиб меҳнат қилгани муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Энг оддий ҳаётий ҳақиқат шундан иборатки, қаерда заҳматкаш инсонга яшаш ва ишлаш учун қулай шароит яратилса, ўша жойда ютуқлар ҳам мўлжалдагига нисбатан кўпроқ бўлади. «Ғайрат» кичик корхонасидагиларга учта кўчма вагон доимо хизматда.

Қалпоғистон Республикасида, балки мамлакатимизда ўзига хос янгилик жорий қилди. Жамоа аъзолари оиласида фарзанд туғилиши алоҳида нишонланадиган, яъни оиланинг ҳар бир янги аъзоси учун 20 энг кам иш ҳақи миқдорида суюнчи пули бериладиган бўлди. Бу янгиликдан ўтган йили Омон ва Бекмурод Ражабовлар, Рейимбой Обаев, Эльвира Муродовалар оилалари бахраманд бўлди. Уларнинг ҳар бири 35 минг сўмдан суюнчи пули олди.

- Ташаббус - тадбиркорнинг қаноти, - дейди «Ғайрат» кичик корхонаси раҳбари Фарид Муродов. - Биз мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов кўрсатаётган кундалик меҳрибонликларига, ишончларига самарали меҳнатимиз билан жавоб беришимиз, лозим. Буни жамоамиз барча аъзолари яхши тушунади. Уларнинг ҳар кунни натижали якунлаши, юқори кўрсаткичларга эришувида «суюнчи» тадбиримиз кўнгилдагидек самара бермоқда. Якдилликни мустаҳкамламоқда. Бу янгилик «Соғлом авлод йили»да ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

... Шу кунларда «Тоза Амиробод» коллекторини тозалаш ишлари билан банд бўлган «Ғайрат» корхонаси жамоасининг келгуси хаётлари янада нурафшон бўлишини, бундан кейин ҳам улар янгиянги ташаббуслар билан чиқаверишларини тилаб қоламиз.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизда сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Бу борада жойларда фуқароларнинг ҳар томонлама фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Айниқса, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг, маҳаллаларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга эътибор берилаётганлиги кучли фуқаролик жамияти қурилишига замин яратмоқда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалласида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар раҳбарлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида сиёсий партиялар фаолиятини халқчиллаштириш, маҳаллаларда улар фаолиятини жонлантириш, жойларда бошланғич партия ташкилотларини тузиш борасидаги ишлар муҳокама қилинди. Шунингдек, давра суҳбати давомида мавжуд партияларнинг мақсад ва вазифалари, дастурларининг моҳияти хусусида гап борди.

(ЎзА).

Яхши раҳбар - чин падар

ДЕҲҚОН ҚУВОНГАН КУН

Ислоҳотлар меҳнатга бўлган муносабатни ҳам тубдан ўзгартирди. Буни Нишон туман деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси Ҳайитмурод Фармонов айниқса яхши билади.

— Эсимни танигандан бери даладаман, — дейди Ҳайитмурод ака. — Аммо 1986 йилнинг декабридаги воқеа бир умр ёдимдан чиқмайди. Ўшанда тумандаги Усмон Юсупов номли хўжаликка раҳбар эдим. Хонада ўтирсам, телефон устма-уст жиринглади. Қаршидан экан. Менга вилоятнинг ўша пайтдаги раҳбари Ислом Абдуғаниевич ҳузурига чорлаётганини айтишди. Гўшакни қўйдим-у, миямда турли фикрлар чарх ура бошлади.

— Келдингизми, — сўради навбатчи қабулхонага кириб боришим билан. Сўнг хуш кайфиятда мени ичкарига бошлади. Хона тўрида ўтирган Ислом ака мен билан илиқ кўришди.

— Хўш, ишлар қалай, Ҳайитмурод ака.

— Ҳозирча ёмон эмас, — дедим бироз ҳаяжонланиб.

— Ёмон бўлмаслиги ҳам керак. Сиз билан бир суҳбат қилишни лозим топдим.

Чеҳрам ёришди. Ислом ака мендан хўжаликдаги ишлар ҳақида сўраб, вилоятни қандай қилиб илғорлар қаторига қўшиш мумкинлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ўша йилни хўжалик маҳсулот ишлаб чиқаришдан 2.5 миллион сўм соф фойда билан якунлагани, ҳар бир ишчи даромадига яраша ҳақ олаётганлиги, хуллас муваффақият омиллари хусусида батафсил ҳикоя қилиб бердим.

— Бўлмаса гап бундай, — дедилар Ислом ака — яқин кунларда бир вақт топиб хўжалигингизга ўтаман. Деҳқонлар билан бир фикрлашамиз.

1987 йилнинг январ ойи. Машина-трактор паркида иш қизғин. Барча турдаги техника воситалари баҳорги экиш мавсумига тахт қилиб қўйилган. 186 нафар таъмирловчининг ҳаммаси ўз иш жойида. Катта қозонда ишчилар учун тушлик тайёрланаяпти. Эрталаб соат ўнлар чамаси гараж дарвозаси олдига оқ «Волга» келиб тўхтади. Қарасам, автомашинадан Ислом Абдуғаниевич тушиб келаяптилар. Салом-аликдан сўнг ишчилар билан самимий суҳбат бошланди. Автогаражни айланиб, қониқиш ҳосил қилдилар шекилли. — Энди фермани кўрамиз, — дедилар. Чорвачилик фермасини кўздан кечириб қувонч билан қайтганликлари ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди.

Орадан кўп вақт ўтмай Ислом Каримов республика раҳбари лавозимига тайинланди-ю, кўкрагимизни босиб турган тишлар бир-бир олиб ташланди. «Ўзбек иши», «Пахта иши» билан ноҳақ қамалганлар орасида қашқадарёликлар оз эмасди. Улар тез орада ўз оилалари бағрига қайтдилар.

Айни пайтда туманимизда 300 нафардан ортиқ фермерлар фаолият кўрсатаяпти. 8 минг гектар ерда деҳқончилик қилаётган тадбиркорлар ҳосилдорликни йил сайин оширмоқдалар. Бугунги кунда Холдиёр Мингяшаров, Аҳмад Бозоров, Тошпўлат Тўраев, Шукур Раҳимов, Майна Қурбонова сингари ўнлаб фермерлар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар бир вақтлар юртбошимиз билан далада дилдан суҳбатлашиб, қимматли маслаҳатларини олишган. Шу боис биронталари кам бўлишмаяпти.

Фермерлар уюшмаси ҳисобидан тумандаги кам таъминланган оилаларга қарийб 100 минг сўм маблағ ўтказдик. Болалар боғчаси ва касалхоналарга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бераяпмиз. 100 дан ортиқ ногиронларни оталиққа олганмиз. Мақсадимиз — фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириб, юртимиз ободлигини таъминлаш ишига ҳисса қўшиш.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА.

Ижтимоий ҳимоя

УЙ-ЖОЙ УЧУН ТОМОРҚА

Қумқўрғон шаҳар аҳолиси сонининг кун сайин ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, тумандаги энг йирик С.Бойматов номли ҳамда «Бешқаҳрамон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларининг ташаббускор раислари Эргаш Жумаев ва Файзи Маматмуродовлар хайрли ишга қўл урдилар. Улар туман ҳокимлигидаги йиғилишлардан бирида хўжаликлари ҳудудидаги суғориладиган ерлардан шаҳар аҳолисига уй-жой қуриб олишлари учун томорқа ажратадиган бўлишди.

«Бешқаҳрамон» ҳудудидан 141 хонадонга 0,08 сотихдан, С.Бойматов номли жамиятнинг янги очилган «Полвонтош» мавзесидан 133 оилага 0,15 сотихдан томорқа бериш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқди.

Рустам ДАВЛАТ,
Сурхондарё вилояти.

МАКТАБЛАРГА АТАЛГАН СОВҒА

Куни кеча Тошкент вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси яна бир мурувват ишига қўл урди. Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги 35 ва 49-мактаб ўқувчилари учун 200 минг сўмлик ўқув қуроллари ҳамда спорт жиҳозлари совға этди.

Совғани вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси М.М Ўринбосарова топшириб, мактаб педагоглари ва ўқувчиларни Наврўз байрами билан муборакбод этди.

Бу тадбирда туман ҳокими Ғофуржон Бўрибоев, мактаб директорлари, ота-оналар, хотин-қизлар қўмита раислари, жамоа хўжалиги вакиллари иштирок этдилар.

Саховатли кишилар

ЗОМИНДАГИ МУРУВВАТ УЙИДА

Инсон қалби ҳамиша саховатга ташна. Атрофдагиларга ёрдам қўлини чўзиш, меҳр ва мурувват кўрсатиш азалий қадриятларимиз бўлиб, у бизга авлодлар ва аждодлардан ўтган. Шу маънода, меҳр-мурувватни ҳақли равишда қалб қуёши десак адашмаймиз. Зеро, комил инсон бўлиб шаклланишда ана шу қуёшнинг ўрни беқиёсдир.

Зомин туманидаги Ём қишлоғида жойлашган Араб Фозилов номли Мурувват уйида асосан аёллар ва болалар тарбияланади. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Беморлар ҳар йили икки марта тиббий кўрикдан ўтади. Физиотерапия, тиш даволаш бўлимлари мунтазам ишлаб турибди.

Юртимизда саховатли инсонлар кўп. Шу боисдан ҳам Мурувват уйига ҳомийлик қилаётган, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш истагини билдираётган ташкилотлар сафи тобора кенгаймоқда. Ҳозир ана шундай ҳайрихоҳ ташкилотлар 107 тага етди. Булар орасида вилоят «Соғлом авлод учун», «Меҳр-шафқат» жамғармалари, вилоят дин назорати бошқармаси амалга ошираётган хайрли ишлар таҳсинга лойиқ. Кези келганда айтиш жоизки, Мурувват уйини тўлиқ таъмирлаш учун бошланган ҳашар қурилишида деярли барча ташкилотлар ўз улуши билан иштирок этмоқда. Бу ишлар учун 40 миллион сўм хайрия маблағи жамланиши режалаштирилганлигининг ўзиёқ саховат эшиклари нақадар кенг очилганлигини тасдиқлайди.

Дарвоқе, Мурувват уйининг 21 гектар ери ҳам бор. Шундан 14 гектари ёрдамчи хўжалик ихтиёрида. Унинг 10 гектарига буғдой экилган. Айни дамда ёрдамчи хўжаликда 16 турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилаяпти. Бир сўз билан айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида бу каби тадбиркорлик жамоага асқотмоқда. Уларнинг жонкуярлиги туфайли озиқ-овқатнинг бир қисми, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг барчаси ички имконият ҳисобига қондирилмоқда.

Ёрдамчи хўжаликнинг 60 бош қорамоли бўлиб, шундан 20 таси соғин сигирдир. Гўшт, сут, парҳез гўшт етиштириш кун сайин кўпаймоқда.

— Бизлардан меҳр-мурувват кутаётганларни бир лаҳза ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ, - дейди Мурувват уйи директори Нишонбой Фозилов. - Биз шифокорлар, ишчи-хизматчилар бутун вужудимиз, қалб қўримиз ва меҳримизни улардан аямаслигимиз керак.

Раҳбарнинг дунёқараши ва тадбиркорлигига кўп нарса боғлиқ. Ҳозир Мурувват уйи қошида нон пишириш цехи ишлаб турибди. Унда бир кунда 124 килограмм нон тайёрланиб, эҳтиёж тўлиқ қондирилмоқда. Ёрдамчи хўжалик 1999 йилда 1 миллион 950 минг сўм соф фойда олди. Бу маблағ Мурувват уйи атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга сарфланади.

Ўтган йили туман ҳокимининг ташаббуси билан ва юқори ташкилотлар кўмагида таъмирлаш ишларига 3 миллион сўм ажратилди. Бундай кенг кўламдаги эътибор ишчи-хизматчиларни ўз ишига янада масъулият билан қарашга даъват этмоқда. Хусусан тиббиёт ходимларидан Малоҳат Маматқулова, Гулчеҳра Умарова, энагалардан Фотима Эргашева, Инобат Абдуносирова, Аноржон Алибекова, психиатор врач Евгений Рассохин ва бошқаларнинг номини ҳурмат билан тилга олиш мумкин.

Абдусаттор СОДИҚОВ.

«Ҳурматли таҳририят!
Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. У ҳақда чуқурроқ тушунча берсангиз».
А.ИБОДОВ, С.НАВРЎЗОВ, Н.СУВОНОВА,
Навоий вилояти.

КОНСТИТУЦИЯ — ҲАЁТИМИЗНИНГ

Конституция атамаси ўзининг узоқ тарихига эга. Конституция лотинча сўз бўлиб, том маъноси «тузиш», «тузук», «низом», «тузилиш», «яратиш» демакдир. Қадимда «Конституция» сўзи сиёсий тузумни билдирган. XVII асрда Францияда бу сўз орқали ренита, ренита шартномасини, кейинчалик эса қадимги юнонча маъносига қайтилиб, ҳуқуқ билан белгиланадиган давлат тузилишини ифодалаган. Бироқ Француз инқилоби арафасида «конституция» атамаси билан давлатнинг ҳолатини ифодалай бошлаганлар. 1787 йилги АҚШ, 1831 йилги Бельгия ва 1874 йилги Швейцария конституциялари инсоният тарихида катта аҳамиятга эга бўлган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан ўзининг илк фаолиятини Асосий Қонун — Конституция лойиҳасини тайёрлашдан бошлади. Ва ниҳоят, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз жамиятимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлардан ташкил этилиш шаклларини аниқлаб берди, бозор муносабатларини, мулкчиликнинг турли шаклларининг қонун билан муҳофаза этилишини таъминлади.

Президентимиз таъкидлаганидек: «Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир».

Конституциямиз миллий манфаатлар ва интилишларимиздан келиб чиқиб, Шарқ ва Ғарбнинг турли мамлакатлари томонидан ушбу соҳада тўпланган илғор тажрибаларни ўзида акс эттира олган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жаҳон конституциявий тажрибасининг қуйидаги асосий хусусиятларига таянилган:

биринчидан, конституциявий тартибга солиш принциплари — ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ нормаларини эътироф этиш, конституциянинг барқарорлиги;

иккинчидан, муқаддима, бўлим, боб ва моддаларни ўзаро мантиқий дунёвий талабларга мос ҳолатда тузилганлиги;

учинчидан, мафкуравийлаштиришни, яъни бир мафкуранинг якка ҳукмронлигини инкор этиш;

тўртинчидан, фикр, сўз, виждон ва эътиқодлар эркинлиги, ватанпарварлик;

бешинчидан, конституциявий кафолатлар — Конституциянинг устунлиги, конституциявий суднинг яратилиши, конституцияга ўзгартиришлар киритишнинг махсус тартиби;

олтинчидан, бевосита халқ ҳокимиятчилигининг шаклларидан бири бўлган Президент республикаси, чунки Конституция Президентнинг давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи сифатидаги ҳукумат мақомини белгилаб беради.

Шундай экан, мустақил давлатимиз Асосий Қонунининг қабул қилинганидан бери ўтган вақт мобайнида у республикамиз суверенитети ва давлат мустақиллигини, Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат тузумини, инсоний қадриятлар ҳамда халқаро ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлади, фуқаролик жамиятини тан олиб тасдиқлади ва ўзинийўзи бошқариш шаклларини аниқлаб берди.

Ушбу қонуннинг энг қимматли томони шундаки, у инсон билан жамият, инсон билан давлат ўртасидаги муносабатларни ўзида мужассамлаштирди.

Биринчи бўлим — «Асосий принциплар» тўрт бобдан иборат, уларда давлатчиликнинг асосий тамойиллари, давлат суверенитети, халқ ҳокимияти, қонун устуворлиги ҳамда Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатининг асосий принциплари баён этилган.

Иккинчи бўлимда «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» кўрсатилган. Эътиборли томони шундаки, Конституциямизда Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари умумий декларациясида ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро битимда, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро битимда назарда тутилган инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчлари алоҳида-алоҳида боб сифатида аниқ, батафсил ифодаланган.

Учинчи бўлим — жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларига бағишланиб, жамиятнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлайди ҳамда жамоат ташкилотларига, оила, оммавий ахборот воситалари масалаларига бағишланади ва уларнинг фаолиятини ўзида тўла акс эттиради.

Тўртинчи бўлим — республикамизнинг маъмурий-ҳудудий ҳамда давлат қурилиши масалаларига эътиборини қаратиб, уларни тўла ифодалаб берди.

Бешинчи бўлим — Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат фаолиятининг асоси бўлган масала — республика давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, сайлов тизими, прокуратура фаолияти, молия-кредит тизими, мудофаа ва хавфсизликнинг ташкил этилишини ўзида тўла ифодалайди.

Олтинчи бўлимда эса Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби белгилаб берилган.

Шундай қилиб, ушбу Конституция халқнинг ҳоҳиш-иродасини ўзида мужассамлаштирган ва давлатнинг ривожланиш хусусиятларини белгилаб берган мустақил давлатимизнинг асосий қомуси сифатида намоён бўлди.

Янги Асосий қонунимиз ўзининг бир қатор хусусиятли ва принциплари билан бошқа қонунлардан ажралиб туради ҳамда у жаҳон талаби даражасида эканлигидан далолат бера-

Жамоатчилик - катта куч

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Навоий шаҳар ички ишлар бўлимининг жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини ўз вақтида фош этиш, жамият тартибини сақлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлари бесамара кетмаяпти. Ушбу фикрнинг далили сифатида ўтган йил мобайнида шаҳар ҳудудида жиноят кўринишларининг бир мунча камайганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Хўш, бундай натижага қандай йўллар, тадбирлар, эвазига эришилди?

— Бир оғиз сўз билан айтганда, фаолиятимиздаги маълум ижобий ўзгариш одамларга янада яқинроқ бўлишга интилганимиз туфайли рўй берди, деб ўйлайман, — дейди шаҳар ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари Маъруфжон Тошев. — Ана шу мақсадда биринчи навбатда ходимларимиз маънавиятини ошириш, мураббийчиликни йўлга қўйиш, участка нозирлари ва маҳалла посбонлари, шунингдек, жамоатчилар куч-имкониятлари ва бошқа захиралардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилдик...

Дарвоқе, ички ишлар соҳасида ҳали малакаси камроқ, етарли тажриба орттирмаган ёш ходимлар милиция ҳаётининг серташвиш ва мураккаб синовларидан ўтган мураббийларга биркитиб қўйилгани ибратлидир. Чунончи, Жасур Холмирзаев, Шавқиддин Жабборов сингари ёшларга бу соҳада кўп қўйлак йиртган милиция капитани Абдумухит Кенесов мураббийлик қилмоқда. У хизмат бурчини ҳалол бажаришдан ташқари, ўз оталиғидаги ёшларнинг нафақат иш пайтида, балки дам олиш вақтларини қандай ўтказаётганликлари билан ҳам қизиқади. Моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Бир пайтлар шундай устозлар таълимини олган милиция капитани Ғайрат Латипов, катта лейтенант Шокир Мирзаев лейтенант Шариф Раҳматов сингарилар айни пайтда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ибратли ишлари билан ҳамкасбларига ўрнак кўрсатаётирлар.

Айниқса, жамоатчилик жойларида милиция ходимининг ҳар бир хатти-ҳаракати назардан қочирилмаслиги табиийдир. Шунинг учун ҳам уларда шаклланган вазминлик, босиқлик, ҳар бир қадамни қонун доирасидан ташқарига чиқмасдан босишлик, ўзаро муомалада самимийлик каби хислат ва хусусиятларни такомиллаштириш мақсадида уларнинг касб маҳоратини ошириш, якка тартибдаги тарбиявий ишларни кучайтириш, маданий савия ва ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларига катта аҳамият берилаётир. «Маърифат» дарсларини бугунги кун талаблари даражасида ўтказиш учун вилоятдаги олий ўқув юртлари малакали мутахассислари жалб этилмоқда. Бундай тадбир ходимларнинг аҳоли ўртасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот тадбирларида жуда қўл келаётир.

Иқтисодий манфаатдорлик ҳамда жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига берилаётган алоҳида эътибор ҳам бесамара кетмаяпти. Жумладан, ўтган йил мобайнида ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этган 225 нафар ходим бўлим раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди. 62 нафар ходимга тегишли моддий ёрдам кўрсатилди. Шахсий таркибнинг ишлаш ва яшашлари учун мос шароитларни яратиб бериш ҳам диққат марказида. 18 нафар киши ётоқхона, 16 нафар ходимнинг фарзандлари болалар боғчаларига жалб қилингани, 60 нафардан кўпроқ номзодларнинг Тошкент милиция академияси ҳамда олий ёнғин хавфсизлиги техника мактабига ўқишга юборилгани шулар жумласидандир.

Ички ишлар ходимларининг маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан саводхонлигини ўстиришдан ташқари, улар хизмат бурчларини ўташ чоғида жуда асқотадиган жисмоний тайёргарликларини ошириб бориш масаласи ҳам диққат марказида. Ушбу фикрни ИИБ ходимларининг шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсларида ўтказиб келинаётган спортнинг турли соҳалари бўйича мусобақаларда фаол иштирок этиб, юқори кўрсаткичларга эришиб келаётганликлари ҳам тасдиқлаши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги ва шунга ўхшаш тадбирларнинг амалга оширилиши шахсий таркибнинг хизмат фаолиятида сезиларли ижобий ўзгаришлар ясашга замин яратмоқда. Шаҳар ҳудудида 70 та маҳалла мавжуд бўлса, бу жойлардаги жамоат тартибини сақлашни 25 нафар участка нозири назорат қилади. Уларнинг ҳар бирига эса, 2-3 нафардан маҳалла посбонлари ҳамда маҳалла оқсоқоллар кенгаши фаоллари яқиндан кўмак бераётирлар.

Бундай иш юритиш ҳаёт синовларида ўзини оқлайдиган усул, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки қуйи жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш одамлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш имконини беради, ҳар бир фуқаро эътиборда бўлишини таъминлайди, бинобарин, улар қувончу ташвишларига шерик бўлиш имконини яратади. Шаҳар Ички ишлар бўлими жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўтказган «Назорат», «Тозалаш», «Ўсмир», «Қидирув», «Тун», «Қорадори», «Мулк», «Паспорт», «Фуқаро» ва бошқа тадбирларида ана шу имкониятдан самарали фойдаланди. Натижада бундай усулда ишлаш кўплаб қонун бузилишларининг олдини олиш ёки уларни фош қилиш мумкинлигини тасдиқлади.

Шаҳар бўйича участка нозирлари билан ўтказилган йиғилишда эса маҳаллаларда кенг жамоатчилик билан иш олиб боришнинг янги шакллари, улар кучғайратлари, саъй-ҳаракатларини ҳудуддаги муҳитни янада соғломлаштиришга аниқ йўналтириш масалалари бўйича қизиқарли фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланди. Бундай ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар ўз навбатида Соғлом авлод йилида амалга ошириладиган муҳим вазифаларга асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

2000 йил — Соғлом авлод йили

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ - ҲАММАНИНГ ИШИ

Президентимиз ташаббуси билан 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Биз «соғлом авлод» деганда нафақат жисмонан соғлом ёшларни, балки маънавий етук ўғил-қизларни ҳам тушунамиз. Демак, ёш авлод ҳуқуқий тарбияси билан фаол шуғулланмоқ давр тақозосидир.

Шу мавзуда суҳбат борганда Юртбошимизнинг «Соғлом авлод дейилганда мен биринчи навбатда соғлом наслни нафақат жисмонан бақувват, шу билан бир қаторда руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман», деган сўзларини хаёлимга келтираман. Ана шундай авлодни тарбиялаб камолга етказиш бугунги кунда аввало оила, қолаверса, халқ таълими ва кенг жамоатчиликнинг долзарб вазифаларидан саналади. Афсуски, бу борада бир мунча ишлар қилинаётганлигига қарамасдан ҳамон ёшлар ўртасида жиноятчиликни камаймаётганлиги кишини ташвишлантиради. Бунга мисоллар етарли.

Вояга етмаган Одил Ўрмонов Наманган шаҳрининг Қўқон кўчасидаги 149-уйда яшайди. Ҳали 15 ёшга кирмасдан ўғрилик қилганлиги учун суд ҳукми билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Президентимиз амнистия фармонига асосан жазони ўташликдан озод қилинган. Бир йил ўтмасдан Одил яна жиноятга қўл урди. Бу гал ҳам унга амнистия қўлланилди. Бироқ бу йигитча берилган имкониятлардан ўзига тегишли хулоса чиқармади. Мени кечиравершаркан, деган ўйга бориб учинчи бор жиноятга қўл урди. Ҳақиқат кўчаси 1-уйда яшовчи Юсуф Хатамов хонадонига ўғриликка тушди ва нархи 7000 сўм бўлган магнитафонни, шунингдек, яна бошқа қимматбаҳо матоларни ўғирлади. Ушбу жиноятлари учун О.Ўрмонов 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Жиноят ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Унинг юз беришига кимдир сабабчи бўлади. Қолаверса, ёш боланинг қинғир йўлга қадам қўйишида кимнингдир айби бор. Наманган шаҳрининг Марғилон кўчаси 4-уйда яшовчи Маҳмуд Раҳимов шундай кимсалардан, у ҳеч қаерда ишламасдан текинхўрлик билан ҳаёт кечириб юрган. Икки бор жиноят учун суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этилган. Бироқ, бурнига сув кирмади. Бу гал у 1982 йилда туғилган Баходир Муҳитдиновни ўзига шерикликка танлади. Биргаликда Бозор кўчасидаги 3-уйга ўғирликка тушди. Олти дона гилам, уч рулон мато ва бир дона велосипедни ўмаришди ва уларни пуллашди. Жиноят тезкор гуруҳ томонидан қисқа вақт ичида очилди. М.Раҳимов суд ҳукмига кўра 7 йилга, унга шериклик қилган Баходир Муҳитдинов эса 5 йилга озодликдан маҳрум этилди. Ашаддий жиноятчи шу тарзда вояга етмаган йигитча номига «ўғри» тамғасининг босилишига сабабчи бўлди.

Қуйидаги мисол ҳам кишини ўйлантирмай қўймайди. Шаҳарнинг Гулдаста кўчаси 1-уйда яшовчи Аҳмадали Ғуломов босқинчилик йўли билан чўнтак қаппайтиришни режалаштирди. У ёнига вояга етмаган Аҳмадали Маматюсуповни олиб, Бобур номли истироҳат боғида сайр қилиб юрган Носир Саидов ва Рустам Машариповларнинг йўлини тўсишди. Уларни пичоқ билан қўрқитиб 1600 сўм пулини тортиб олишди. Эртасигаёқ йўлтўсарлар қўлга олинди.

Баъзи ҳолларда вояга етмаганлар устидан катталар томонидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги уларнинг спиртли ичимликлар ичиб, жиноят қилишларига олиб келмоқда. Давлатобод туманида яшовчи, вояга етмаган Акбар Хусановнинг қилмишлари бунинг исботидир. У ароққа тўйиб олгач, ўзини шер деб ҳис этди. Бекордан-бекорга Сайдулла Тўхтабоев билан жанжаллашди. Сўнг уни ўлдириш пайига тушди. Пичоқни Сайдуллага икки марта уради. Учинчи бор пичоқ санчаётганида одамлар қутқариб қолишади. Яхшиям-ки, унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Акбар Хусановни ароқ орқасидан «полвонлиги» бўйнига 9 йил қамоқ жазосини осиб қўйиш билан якунланди.

Халқимизда «Эркалатса-онаси, талтаяди боласи», деган мақол бекорга айтилмаган. Бу мақол шаҳардаги 22-ўрта мактаб 11-синф ўқувчиси Аҳат Собировга ўхшаганлар учун айтилгандай. Онаси Сорахон Домлажанова ўғлини ҳаддан зиёд эркалатиб юборди. Айтган нарсасини муҳайё этди. Бу сийловларнинг охири «вой» бўлди. Аҳат онасининг номида бўлган «Москвич-412» русумли автомашинани ҳеч қандай ҳужжатсиз ҳайдаб кетаётиб йўловчи Музаффар Абдуллаевни уриб юборди. Оқибатда ўзига келмасдан касалхонада вафот этди. Ана сизга вояга етмаганларни эркалаш. Улар хаттиҳаракати устидан отаона, жамоатчилик томонидан етарли даражада назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида юқоридагидек тузатиш қийин бўлган оқибатларни келтириши мумкинлигини асло унутмаслик керак.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг омили улар бўш вақтларини беҳуда кетказмасликдадир. Энг аввало, бола оилада бўш, назоратсиз қолмаслиги, мактабда ҳам доимо ўқитувчиларнинг кўз ўнгида юришлари даркор. Бунинг учун мактабларимизда турли хил тўгараклар фаолиятини жонлантириш, спорт мусобақаларини кўпайтириш, кутубхоналар ишини такомиллаштириш талаб этилади. Шунга эришайликки, бола бўш вақтини фақат фойдали ишларга сарф қилсин. Ҳуқуқий тарбия ҳаммани иши эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, ёшлар нурли келажагимиз эгалари ва бунёдкорларидир.

Жамолиддин НИЗАМОВ,
Наманган шаҳар прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

Бекорчидан эл безор

ТУНГИ ШАРПАЛАР

Қашқадарё вилояти аҳолисининг аксарияти асосан қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан шуғулланишлари барчамизга маълум. Лекин меҳнат деса пешонаси тиришадиган, осонгина енгил елпи пул топиб, кайфу-сафода яшашни хуш кўрадиган айрим ишёқмаслар ҳам борки, фуқаролар мулкига кўз олайтириб туришади. Вилоятнинг бир неча туманларидан чорва молларини ўғирлаб келган яна бир уюшган гуруҳ фаолиятига ниҳоят Ғузор тумани ички ишлар бўлими ходимлари нуқта қўйишди.

Бир эмас, бир неча ўнлаб фуқароларнинг отлари, қорамоллари, қўй-қўзилари ҳатто телевизор-видеомагнитафон сингари қимматбаҳо буюмларигача ўмариб кетган бу кимсалар асосан ўғирликни Қамаши тумани ҳудудида содир этишган. Ушбу гуруҳнинг 30 дан зиёд жиноий ҳаракатлари фош этилди. Улар фуқароларнинг 33 бош қорамоли, 17 бош оти ва 5 та қўйи, 2 та видеомагнитафони ва телевизорини олиб кетишган. Шуни айтиш керакки, ўғриларнинг аксарияти айни жиноят устида қўлга олинмаса ёки содир этган ўғирлиги ашёвий далиллар билан исбот қилинмаса, улар ўзларини фаришстадай оппоқ қилиб кўрсатишга уринишади. Шу боис биз уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиб чиқамиз. Маълум бўлишича, уларнинг раҳбари жиноятлар содир этиб 17 йил ўтириб чиққан. У ўзига гард юқтирмасдан, ҳар доим сувдан қуруқ чиқишга ҳаракат қиларди. Лекин бу сафар биздаги далил-исботлар унинг қутулиб кетишига имкон бермади. Дарвоқе, ўғрилардан биттаси 15 та ўғирлик қилганлигини очиқчасига тан олди. Ҳатто, қачон, қаердан-қанча мол олганини, кимлар билан ҳамкорлик қилганини бирма-бир айтиб берди. Қилган ишидан пушаймонлигини айтиб, афсус - надоматлар чекди. Аммо биз бундай муғомбирлар билан биринчи марта тўқнашаётганимиз йўқ. Ўғирлик қилдими, элга зиён-заҳмат етказдими - қонун олдида албатта жазосини олади.

Муҳаммади МЕЙЛИЕВ,
Ғузор тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция подполковниги.

Самарқанд вилояти божхона бошқармасининг ходимлари республикамизга олиб келинаётган ва чиқарилаётган турли юкларни расмийлаштириш, сифатини текшириш каби машаққатли юмушларни аъло даражада бажармоқда. Ўтган йили божхона бошқармасининг тиним билмас ходимлари томонидан тўққиз юз миллион сўмдан ортиқ божхона тўловлари ундирилди. Божхона қоидаларини бузганлиги сабабли 31 ҳолатга жисмоний ва юридик шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Айниқса 7-Улуғбек номли божхона маскани ходимлари вилоятда катта ҳажмдаги ишларни бажармоқда. Улар вилоятнинг саккизта туманидаги саноат корхоналарида фуқароларга кўнгилли хизмат кўрсатишмоқда. Йигирмадан ортиқ ташқи иқтисодий алоқалар шу масканда расмийлаштирилади.

Вилоятдаги 2-Жартепа божхона маскани қўшни Тожикистон республикасининг Панжакент вилояти чегарасида жойлашган. Ушбу божхона бошлиғи божхона хизмати майори Асрор Эргашев бошлиқ гуруҳ аъзолари шу йилнинг икки ой мобайнида 4-контрабанда жиноятини очдилар.

Айни пайтда, самарқандлик божхона ходимлари томонидан шу йилнинг икки ойи мобайнида 329 миллион 300 минг сўмлик божхона тўловлари ундирилди. 365та божхона қоидалари бузилиши, контрабанда, товар моддий бойликларни ноқонуний олиб чиқиш ҳоллари аниқланди.

Суртда: 7-Улуғбек божхона маскани божхона хизмати лейтенанти Баходир Қурбонов Леди лақабли ити билан.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

маънавият, тарихий асослари сифатида жаҳон маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Шарқ мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Носир Фаробий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Бобур ва бошқа даҳолар қолдирган маънавий-ахлоқий меросларини намоён бўлган.

2) Биринчи марта, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизимини, яъни қонун чиқарувчи (Олий Мажлис), ижро этувчи (Президент ва Вазирлар Маҳкамаси) ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципларини ўзида аниқ белгилаб берганлиги билан:

Бу эса, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини фақат Конституция асосида, қонунларда кўзда тутилган тартибда ва улар асосида тузилган идораларгина амалга оширади, демакдир. Ҳокимият давлат ҳокимиятининг кенг тармоқлари орқали амалга оширилади. Масалан, Олий Мажлис қонунлар қабул қилади. Ижро этувчи ҳокимият — ҳукумат, Вазирлар Маҳкамаси — қонунларнинг ижросини таъминлайди.

Суд органи одил судлов сифатида қонунлар асосида, низоли, баҳсли масалаларни мазмунан ҳал этади. Бу органларнинг ҳар бири маълум доирадаги ваколатларга эга ва биргаликда ўзаро боғланган ҳолда ягона давлат тизимини ташкил этади.

3) У Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаб, бирорта қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслигини ўзида белгилаб берди;

Бу, яъни биринчидан; Конституцияга зид бўлган ҳар қандай фаолият, жумладан қонунчилик фаолияти билан шуғулланишнинг таъқиқланиши;

иккинчидан, қонун ҳужжатларини чиқарувчи барча идораларнинг конституция қоидаларини ривожлантириш йўлида фаолият кўрсатиши шарт эмаслиги;

учинчидан, конституциянинг алоҳида муҳофаза қилиниши, конституциявий суднинг назорати мавжудлиги ҳолатлари билан боғлиқ.

Зеро 1992 йил 8 декбрдан то ҳозиргача Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган фуқаролик, жиноят, маъмурий, хўжалик, халқаро, аграр, экологик, оила, меҳнат ва бошқа барча қонунлар ҳамда Кодекслар айнан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари асосида қабул қилинган.

4) Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда тўла ҳуқуқли субъуект бўлиб, давлатнинг суверен тенглигини, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланганлигини Асосий қонунимиз биринчи марта ўзида мужассамлаштириб, мустаҳкамлади ва бошқалар;

Ўзбекистон БМТ аъзоси, Европада Хавфсизлик ва Хамкорлик Ташкилотининг, 20 дан ортиқ иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг иштирокчисидир. Эндиликда Ўзбекистон дунёда ривожланаётган ва ўз мустақил давлатчилиги ҳамда давлат бошқаруви тизимига эга бўлган ёш давлат сифатида танилиб, катта ҳурматга эга бўлиб бормоқда.

5) Ўзида биринчи марта инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари масаласини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторида ифода этиб бера олади;

Асосий Қонуннинг 13-моддасида: Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, дейилган.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

6) Бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий негизнинг хилма-хил шакларидаги мулк, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик, меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар ҳимоя этилишини ўзида кафолатлаб, хусусий мулкни ҳамда бошқа мулк шаклларини дахлсиз ва давлат муҳофазасида эканлигини кўрсатиб берди;

7) Ўзбекистонда барча бойликлар — ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳираларни умуммиллий бойлик деб эълон қилди ҳамда улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги, улар давлат муҳофазасида эканлигини биринчи марта аниқ ифодалаб берди;

Табиатни муҳофаза қилиш бугунги кундаги энг муҳим масалалардан биридир. Чунки инсон табиатдан фойдаланиш жараёнида янги шароит хосил қилади, географик муҳитни ўзгартиради, оқибатда табиатдаги экологик ҳолат ва тенглик бузилади, бу эса инсон ва биосфера мувозанатининг қўпол бузилишига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди, буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир», — деб таъкидлаган эдилар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида «Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», деб кўрсатилиши мамлакатимизнинг барча фуқароларига катта масъулият юклайди.

Чунки табиатни ўзгартиришга ва ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжларнинг узлуксиз ўсиб бориши ва бу эҳтиёжларни асосан жадал усулда қондириш, табиатга антропотехноген босимни ошириб юборди. Бу эса ўз навбатида экологик мувозанат ва ҳолатга салбий таъсир қилиб, инсоният келажагини хавф остига қўймоқда.

Алоҳида қайд қилиш лозимки, бугунги экологик шароитда биосфера мажмуаси муносабатларини оқилона ташкил қилиш ва бошқариш зарурияти ижтимоий тараққиётни бошқача мезон билан баҳолашни тақозо қилиб, инсоният зиммасига алоҳида масъулиятлар юкламоқда.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
юридик фанлари доктори.

Ўзбек қизининг заковати

ЭЛ АРДОҒИ

ҲАЛИМА НОСИРОВА ХОНАДОНИДА

Ҳалима Носированинг ҳузурида бўлдим. Суҳбатлар, хиргойи қилишлари, давримиз ҳақида завқ-шавқ билан фикр юритишлари, ёшларга тилакларини самимият ила айтишлари, устозларини эслаганларида кўзларига ёш олишлари ёдимдан ҳеч чиқмаса керак. Улар шунчаки хотиралари билан ўртоқлашиб, шунчаки севган, лекин шўролар даврида баралла айта олмаган ашулаларини (масалан, Яссавий, Ҳувайдо шеърлари билан айтиладиган таъсирчан қўшиқларни) аста хиргойи қилиб, сўз ва куйдан аввало ўзлари маст бўлишлари, сўнгра бизни ҳам ўша сирли оламга бошлашлари, бироз тин олиб, шеърий мисраларини ёддан айтиб, нозик табиатли шоира сифатида гавдалантиришлари ҳайратга солади. Умрининг 87-баҳорини қаршилаган Ҳалима опамиз овозларининг ширaси ҳануз кишини маст қилиши, ўткир, таъсирчан сўзлари ўйлантириб қўйиши, фикрлари тиниқлиги, замон талабларини ҳис этиб туришлари ва куюниб муаммоларни тилга олишлари суҳбатдошга озиқ беради.

Гапнинг орасида Ҳалима опа севган ашулаларини эслаб, уларни ижро этилиши йўлларини таҳлил қилиб:

— Ҳалима опа, барча ашулаларга ҳам рақс тушавериш керакми? «Тановар» раққосанинг ҳар бир хатти-ҳаракатини, хиром қилишини кўрсатиб бергандек, унинг мазмуни, висол онларини орзиқиб кутаётган қизалоқнинг ҳолати — булар раққосага кўмаклашади. Мукаррама опа Турғунбоева, шу боисдан бўлса керак, «Тановар»га рақс тушаётганларида беихтиёр ашулани ҳам ҳиргойи қила бошлар эдилар. Лекин «Ушшоқ», «Дугоҳ», «Муножот» айтилганида, рақс тушиш тўғримикин? - деб сўраганимда, суҳбатдошим бир зум ҳам иккиланмай:

— Бундай ашулаларни тинглаш керак. Улар эшитиш йўли билан завқ олиш учун яратилган. Бир гал мен «Чоргоҳ»ни айтганимда раққоса фавқулодда ўртага тушиб, шунчалик қўпол, ҳирс уйғотадиган хатти-ҳаракатлар қилдики, мен ашуладан тўхтадим, - деб жавоб бердилар.

Ашула завқ бериш билан бирга драматургик вазифани бажариши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза қилиб, диққатни кинога, фильмда мусиқа, қўшиқ қандай ўрин тутиши лозимлигига қаратмоқчи бўлганимда эса сезгир Ҳалима опа қизишиб:

— «Тоҳир ва Зуҳра», «Қаламлар», «Отмагай тонг» фильмларида қўшиқлар тўғри танланган кўринади. Улар фильмдан олиб ташланса, бўшлиқ пайдо бўлади. У ҳолда кадрларни сўз, диалог, тасвир билан тўлдириш ҳам амри маҳол бўларди... Тўғрисини айтсам, Зуҳранинг ариялари саҳнада кўп айтганману, кинода ўйнаш орзуим ушалмаган. Юлдуз Ризаева жуда чиройли эди-да! Худди Зуҳранинг ўзгинаси! Мен Шайхонтоҳурда, Ҳадра даҳасида шу фильм суратга олинаётганини кўрганман. Юлдузхонни олдига бориб, «Қанчалик гўзалсиз, худди афсонадаги пари, тенги йўқ маликанинг ўзисиз-а! Қанийди, мен ҳам сиз каби чиройли бўлсам-да, фильмда Зуҳра қиёфасида чиқсам, унинг бир-биридан гўзал ашуларини айтсам!» деганимда, ушбу асарнинг режиссёри Наби Ғаниев қотиб-қотиб куларди. «Сиз ҳам ўйнанг!» деб ҳазиллашарди. Саҳнада гоҳ Лайли, гоҳ Ширин, гоҳ Зуҳра бўлиб чиқишимни, Юлдузхон биргина ролни энди ўйнаётганиларга тушмадим, денг. Пировардида ўзимга маъқул бўлмаган образ, асар пайдо бўлди. Уни эслашни ҳам истамайман, - деб кинодан, кино аҳлидан бироз гина қилгандек бўлдилар. Шунда мен ўзбек санъаткор аёлларининг истеъдоди ҳамиша серқирра бўлганини эслатдим ва бир мисол келтирдим. 20-йилларда Нортожи опа найда чалган куй майин, нафис, жуда-жуда ёқимли бўлганини, уни тинглаган хонандалар, жумладан, Ҳалима Носирова ҳам беихтиёр ўша оҳангни хиргойи қила бошлаганларини айрим тафсилотлари билан айтдим-да:

— Айтингчи, бу чолғуни эркак киши, анависини аёл киши чалиши керак, - деб чеклаб қўйишлар тўғри бўлганмикин? - деб сўраганимда, суҳбатдошим:

— Бундай бўлишлар, чеклашлар менга сунъий кўринади, - жавоб бердилар ва устозлари жуда кенг қамровли билим берганини, бинобарин, талаб ҳам ўша юксак даражада бўлиши табиий эканлигини айтдилар. Юсуфжон қизиқ кулги дарғаси эди. Уста Олим Комилов эса доирани зўр чаларди. Лекин улар мусиқадан, рақсдан, ашуладан, яъни вокал санъатидан дарс берар, сўз маданиятига эътибор қаратар, саҳнада ижрочи ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида чуқур тушунча берардилар, - деб қўшиб қўйдилар. Шунда мен Ҳалима опа фақат хушовози билангина эмас, ижрочилик техникаси, талаффузи, образ ярата олиш қобилияти билан ҳам шуҳрат қозонгани ҳақида ўйладим. Сўнгра хулоса қилдим: Ҳалима Носированинг санъаткор сифатида камол топишида, довруғи оламга таралишида бу шахснинг ўткир заковати, ноёб истеъдоди билан бирга устозларининг, ижодий муҳит ҳукм суриши учун кўп меҳнат қилган Мулла Тўйчи Ҳофиз ва Домла Ҳалим Ибодов, Бобораҳим Мирзаев ва Муҳиддин Қориёқубов кабилар ҳам хизмат қилганини тилга олиш лозим. Турли миллат вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласига келганда эса таъсир, бойиш иккиёқлама бўлганлиги ҳақида мулоҳаза қилдик.

— Ҳалима опа, москваликлар ўзбек артистлари қаҳрамон ҳолатига дарҳол кира олишидан, мусиқа ижро этилиши, кинокадрлар овоз билан бойиб бир маромда ўзаро уланиб бориши жараёнини зудтар илғаб олиши ва уларга мос келадиган ижро йўлларини, сўзлаш оҳангини топа олишидан ҳайратга келишларини айтган эдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шўролар даврида таъсир бирёқлама бўлгани таъкидланарди, деганимда, Ҳ.Носирова:

— А.Нежданова, Р.Глиэр каби санъаткорлардан нафас олиш маданиятини, опера санъатининг сирларини, С.Успенскийдан симфоник ижро, кўповозли санъат техникасини ўрганганмиз. Лекин улар ҳам ашуламиздан, ижро техникамиздан, репертуаримиздан ҳайратга келган вақтлар кўп бўлган. Уларнинг бири бизни «ўзбек булбули», иккинчиси «табиатнинг мўъжизаси», учинчиси яна бир чиройли ўхшатиш келтириб, ҳар биримизга далда берган вақтлар ҳамон ёдимда. Глиэр Ўзбекистонга келиб, ижодий бисотини бойитган, Успенский куйларимизни севиб қолиб, ҳаттоки «вафот этганимда «Гиря»ни, «Найларам»ни чалиб турингглар», дейиши, Романебская эса ўзбек аёлларининг қўшиқлари, рақсларига меҳр қўйиб, ўша оғир дамда китоблар, тўпламлар тайёрлагани... ' булар маданиятимиз ўз халқимизгагина эмас, ўзга юртларга, ўзга санъатларга ҳам хизмат қилиб келганини эслатиб туради.

Ҳалима опамизнинг бу гапларида чуқур маъно бор. Хусусан, ўзбек мусиқаси, театри, киносининг тарихи қайта ёзилишида ана шу таъсир иккиёқлама бўлганини, ўзбек маданияти ва у ҳақдаги назария ўзга юртлардан келган санъаткорларнинг бадиий бисотини бойитганини, олимларнинг илмий мушоҳадаларига ижобий таъсир кўрсатганини қайд этиш зарурлигини Ҳалима опамиз ҳузурида яна бир бор англадик.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Чиноз туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида Соҳибжонни барча ҳурмат билан ёдга олади. Жамоа хўжалигининг кадрлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган бу йигит ташаббуси билан хўжаликда ажойиб футбол жамоаси тузилган эди. Содир бўлган бахтсиз тасодиф уни ёру дўстлари, оиласи бағридан мангуга олиб кетди...

Куни кеча хўжаликдаги 29- мактабда футбол жамоасининг сардори, ажойиб ўйинчиси бўлган Соҳибжон Авезов хотирасига бағишланган футбол турнири бўлиб ўтди. Ушбу хотира турнирида тумандаги Навоий номли ҳамда «Дўстлик» жамоа хўжаликларининг футбол жамоалари куч синашдилар.

ХОТИРА ТУРНИРИ

- Бугунги кунда Соҳибжон Авезов ишини унинг шогирди ва дўсти Зокир Райимов давом эттирмоқда, - деди мактаб раҳбари Камолиддин Араббоев. - У футбол жамоасига раҳбарлик қилар экан, спортчилар билан бирга Соҳибжондан ёдгор бўлиб қолган уч нафар фарзанди, онаси ва турмуш ўртоғи ҳолидан мунтазам хабар олиб туришади.

Ушбу жамоа ўтган йили футбол бўйича ўтказилган туман биринчилигида ғолибликни қўлга киритди.

- Бугунги хотира турнирига, - дея суҳбатни давом эттирди «Ислоҳот» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Ирсимбетов, - Чиноз туманидаги «Олмазор-М» ҳиссадорлик жамияти раиси муовини, вилоят кенгаши депутати Муҳаббат Шоюсупова ҳомий сифатида шахсий жамғармасидан 40 минг сўм маблағ ажратди. Шунингдек, бу тадбиркор аёл жамоанинг вилоят мусобақаларида иштирок этиши учун тўланиши лозим бўлган бадал пулларини ҳам ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, жамоа ўйинчилари «Юлдуз» хусусий чорвачилик фермаси томонидан махсус кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминландилар.

Шу ўринда 29-ўрта мактаб фаолияти хусусида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бу таълим-тарбия масканида ўғил-қизларни спорт соғломлаштириш ишларига жалб этиш яхши йўлга қўйилган. Мактаб спорт ҳамда ҳарбий таълим бўйича ўтказилаётган танлов ва мусобақаларда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Хусусан, ўтган йили вилоят миқёсидаги ҳарбий таълим тайёргарлиги бўйича ташкил этилган «Шунқорлар» кўрик-

танловида учинчи, туманда эса биринчи, бошланғич синфлар ўртасидаги спорт фестивалида биринчи ўринларни эгаллади.

Бугунги кунда мактабда уч нафар олий, битта ўрта махсус маълумотга эга бўлган мураббийлар жисмоний тарбиядан билим ва кўникма бермоқдалар. Мактаб раҳбарининг чақириққача ёшларни тайёрлаш ишлари бўйича муовини, жисмоний тарбия ўқитувчиси Ўринбой Авезов Ўзбекистон халқ маориф аълочиси нишони билан тақдирланган.

Уларнинг саъй-ҳаракатлари боис қобилиятли ўқувчилар Навоий номли жамоа хўжалиги футбол жамоасида тўп сурмоқдалар. Бугунги хотира турнирининг дуранг натижа билан якунлашида ана шу мактаб ўқувчиларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Турнир якунида кучлари тенг келган иккала жамоага қимматбаҳо кўчма кубок ва эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

МАКТАБЛАР ВА БОҒЧАЛАР КУНИ

Тошкент вилоятида таълим тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар ойнинг биринчи пайшанбаси «Мактаблар ва боғчалар куни» деб белгиланди. Шу куни корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўз оталиғидаги муассасаларда бўлиб, таълим-тарбия жараёни билан яқиндан танишади, мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида амалий ёрдам кўрсатади.

Шу билан бирга, вилоятда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганига қарамай, таълим тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида талай камчиликларга йўл қўйилаётир. Хусусан, Бекобод, Бўка, Оҳангарон, Қуйичирчиқ туманларида мактаб ва боғчаларнинг аҳволи жуда ачинарли. Бугунги кунда вилоят бўйича 30 дан зиёд мактаб авария ҳолатида, 148 таси капитал таъмирга муҳтож, 321 таси табиий газ, 192 таси эса ичимлик сув билан таъминланмаган.

Мактаблар ва боғчалар кунидан кўзда тутилган асосий мақсад айнан ана шундай аҳволга барҳам бериш, таълим тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан иборатдир. Белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ энди йилига икки марта вилоятда умумхалқ ҳашари ўтказилади ва ундан тушган маблағ таълим муассасаларини таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига сарфланади.

ҚАЙИРМА ҚИШЛОҒИДА НАВРЎЗ

Наврўз бобо деҳқонни далаю боғларга чорлади. «Ангрен» ширкат жамоасининг деҳқонлари байрамга муносиб совғалар тайёрлашди. Хўжаликнинг икки минг гектар ердаги ғалласи бир текис униб чиқиб, боғлари гулга қирди. Чорвадорлар тўрт минг бошдан зиёд соғлом қўзи олишди. Эрта-индин жун қиркимини бошлаб юборишади. Сабзавот, зироат экинларини экиш қизғин тус олган. Айниқса бу соҳада Қайирма қишлоғининг деҳқонлари ғолиблар сафида туриши бежиз эмас. Бу йилги Наврўз Қайирма қишлоғининг кенг саҳнида, кўркам Оҳангарон дарёсининг соҳилларида ўтказилди. Дошқозонларда пиширилган сумалагу, ҳалим, қишлоқ аёллари тайёрлаган исмалоқу ялпиз, жаг-жаг ва доривор гиёҳлардан тайёрлаган тансиқ таомлар дастурхонга тортилди. Шодиёнага 50-ўрта мактабнинг «Баҳор қўшиғи» рақс-вокал ансамбли ва хонанда-ю созандалар ижро этган шўх қўшиқлар файз киритди.

Наврўзнинг Қайирма қишлоғида ўтказилишига яна бир сабаб байрам муносабати билан бу ердаги хонадонларга табиий газ келди. Уруш ва меҳнат фахрийси Пардабой ота Фармонов газни ёқади. Шуниси қувончлики, «Ангрен» ширкат жамоасига қарашли ўн икки аҳоли пункти газлаштириб бўлинди.

Шунингдек, «Оҳангарон» ширкат жамоасининг миришкорлари ҳам оромбахш «Чашма» мавзесига тўпландилар. Наврўз таомлари дастурхонга кўрк бағишлади. Таниқли хушовоз хонанда Озода Нурсаидованинг дилрабо қўшиқларидан диллар яйради. Жамоа раиси Наврўз байрами кунида йигирмадан ортиқ боқувчиси йўқ оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, ночор кишиларга байрам совғаларини топширди. Байрам пировардида қишлоқ масжидининг имом хатиби юрт ва юртбошимиз шаънига дуойи фотиҳа ўқиди.

Собир Раҳимов номли ширкат жамоасининг чорвадорлари ҳам Наврўзга катта меҳнат зафарлари билан пешвоз чиқдилар. Олти минг бошдан зиёд соғлом қўзилар олиб мавсумни муваффақиятли якунладилар. Далаларга зироат кўчатлари ва баҳорги дон экиш ҳам аллақачон поёнига етган. Ҳозир боғларни суғориш, экинлар парвариши ишлари жадал давом этмоқда.

Наврўз байрами тантаналари Алишер Навоий номли, «Дўстлик», Олмалиқ «Шодималик», «Бирлик», «Янгиҳаёт», «Чотқол» ва бошқа хўжаликларда ҳам бўлиб ўтди. Бу йилги Наврўз байрамининг оҳангаронликлар учун аввалгиларидан фарқи шундаки, шу кунгача туманнинг 60 фоиздан кўпроқ қишлоқлари газлаштирилди, 78 фоиз аҳолига тоза ичимлик сувлари етказиб берилди. Қишлоқлардаги 87 фоиз аҳолининг электр тармоқлари янгиланди.

Қ. МЎМИНОВ.

Тасвирга боқиб ҳаёлингиздан нима кечганини билмадигу, аммо қўша-қариб, кексалик гаштини сураётган нуронийларга ҳавасингиз келгани рост. Улар Самарқанд вилояти Қўшробод туманидаги Бойтуб қишлоғида 65 йилдан ортиқ биргаликда умр кечириб, 5 фарзандни элга қўшишди. Айни дамда Шакар ота Яхшиликов 89 ёшда Умидахон она эса 83 ёшни қаршиладилар. Нуроний отахон ва онахон эркни, озодликни улуғлаб дуога қўл очишади. Уларга фарзандлари қатори 80 нафар невара чевералар ҳам қўл очади. Аслида бахт шу бўлса керакда! Яна шу азиз муштарийларга айтмоқчи бўлган сўзимиз шуки: ҳаммангизга нуронийлар ёшига етиб, қўша-қариб юриш насиб этсин.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

МУҲТАШАМ КУРАШ САРОЙИ

Наврўз кунларида Жиззах шаҳрида яна бир муҳташам иншоот - Кураш спорти саройи фойдаланишга топширилди.

Куни кеча ана шу улкан спорт кошонасининг очилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 200 нафарга яқин спортчи иштирок этди. Тантанадан сўнг, янги спорт саройида 1983-86 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

(ЎзА).

105-78-38
Компьютерга киритиш
Макет андозаларини тайёрлаш
Дизайн хизмати
Нашрга қадар тайёрлов ишлари
Матбуотда реклама

Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Ойсулув Нафасовага онаси **Рашида ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти - 21.25
Буюртма Г— 204. 1 2 3 4 5 6